

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

АХМЕДОВ ДИЛШОД БАХРАМОВИЧ

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТААЛЛУҚЛИЛИК
ИНСТИТУТИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ахмедов Дилшод Бахрамович

Маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик институти: қиёсий-
ҳуқуқий таҳлил..... 3

Ахмедов Дилшод Бахрамович

Институт подведомственности в административном
судопроизводстве: сравнительно-правовой анализ..... 25

Axmedov Dilshod Baxramovich

The institute of jurisdiction in administrative court proceedings: a
comparative legal analysis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

АХМЕДОВ ДИЛШОД БАХРАМОВИЧ

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТААЛЛУҚЛИЛИК
ИНСТИТУТИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Yu1156- рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шайзаков Шодияр Ибрагимович

юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович

юримдик фанлар доктори, профессор

Раджапова Мухтарам Зиёдуллаевна

юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташилот:

Ўзбекистон Республикаси Оди судлов академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил 15 январь соат 14-30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (82-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел./факс: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 26 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 26 декабрдаги 46-рақамли реестр баённомаси).


М.А. Аминҷонова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор
Л.Х. Исоқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби в.б., юримдик фанлари доктори, профессор
В.Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнги йилларда бўлиб ўтаётган турли хил зиддиятлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биргина 2023 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда қонун устуворлиги кўпчилик мамлакатларда сусайди. World Justice Project (WJP) кўрсаткичида қонун устуворлиги умумий индекси 57% мамлакатларда пасайганлигини кўрсатмоқда¹. Economist Intelligence Unit нуфузли ташкилотнинг 2024 йилги ҳисоботида ҳам «ўрганилган 167 та давлатнинг ярмидан кўпида демократия даражаси пасайгани ёки турғунлиги таъкидланган. Айниқса, сўнгги етти йилда давлат органлари ваколатларини чеклаш кўрсаткичи 74 фоиз мамлакатда тушиб кетгани»² – ижро идоралари устидан бошқа назорат турлари билан бирга суд назорати ҳам сусайганлигини англатади. Мазкур ҳисоботда 2016 йилдан бошлаб ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаб келаётган ва узок муддатли истиқболда ушбу глобал тенденцияларга энг кўп қарши тура оладиган бешта давлатдан бири сифатида Ўзбекистон ҳам қайд этилганлиги маъмурий суд ишларини юритишда ислохотларни мантикий давом эттириш орқали халқаро тажриба ва стандартларни изчил жорий қилишни тақозо этади.

Жаҳонда маъмурий судларда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, низоларнинг маъмурий судловга тааллуқлилиги бўйича чегараларини тўғри белгилаш, унинг процессуал-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда дастлабки эшитув институтини жорий этиш масалалари бўйича муҳим илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини вужудга келтирмоқда. Хусусан, шахсларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлашда судлар ўртасида тааллуқлилиги бўйича низога йўл қўймаслик, тааллуқлилигининг ҳуқуқий чегараси мезонларини аниқлаш, низо предметини ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни кўришда суднинг фаоллигини ошириш ҳамда бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда суд тизимини демократлаштириш, аҳоли билан мулоқотни кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган низо турлари ортиб бормоқда. Хусусан, 2021 йилда биринчи инстанция маъмурий судларида жами 15 146 та ишлар кўрилиб, шундан 14 495 таси ёки 96 фоизи маҳаллий ҳокимлик қарорлари ва ҳаракатлари билан боғлиқ, 651 таси эса бошқа 8 дан ортиқ турдаги ишларни ташкил этган. 2024 йилда биринчи инстанция маъмурий судлари томонидан 15 373 та ишлар

¹ <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/insights#elections-and-the-rule-of-law>

² eu.com/n/campaigns/democracy-index-2024.

кўрилган бўлса, шундан 3 491 таси ёки 23 фоизи ҳокимлик қарорлари ва ҳаракатлари билан боғлиқ ишларни, 11 882 таси эса 20 дан ортиқ бошқа турдаги низоларни ташкил этган³. Маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий вазифалари сифатида маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш белгиланганлиги, бироқ, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда маъмурий судга тааллуқли ишлар бўйича ҳаволаки нормаларни мавжудлиги ушбу йўналишда илғор хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, суд-прокурор амалиётидаги муаммоларни илмий ёндашувлар асосида ўрганиш ҳамда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини назарий, амалий, процессуал жиҳатдан такомиллаштириш зарурати борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонуни (2017), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (2018), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022), «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2023), «Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2025) фармонлари, «Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2022), «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2025), қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлилига бағишланган дастлабки комплекс тадқиқот иши

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021-2024 йил ҳисоботлари

ҳисобланади. Мамлакатимиз олимларидан Э.Т.Хожиев, Ғ.Т.Хакимов, Ж.Н.Нематов, Л.Б.Хван, А.А.Ли, И.А.Хамедов, И.М.Цай, Ш.И.Шайзаков, Д.Р.Артиков, М.У.Эшимбетов, Ш.Б.Бакаев, Х.К.Мадримов маъмурий юстициянинг турли жиҳатларини илмий тадқиқ қилган. Хусусан, Э.Т.Хожиев маъмурий жараён, маъмурий иш юритиш, Ғ.Т.Хакимов, И.А.Хамедов, И.М.Цай маъмурий юстицияни ривожлантириш, маъмурий процесс, Ж.Н.Нематов маъмурий акт, маъмурий низо тааллуқлилиги, Л.Б.Хван маъмурий акт, маъмурий юстиция тарихи ва принциплари, А.А.Ли рухсат этиш тартиб-таомиллари, Ш.И.Шайзаков маъмурий суд иш юритишда прокурор иштироки, Д.Р.Артиков идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид ишларни судда кўриш, М.У.Эшимбетов маъмурий орган қароридан келиб чиқадиган ишларни судда кўриш, Ш.Б.Бакаев маъмурий судлар ишининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, Х.К.Мадримов Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низоларни судда кўришни ўрганган⁴.

Шу ўринда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий изланишлар МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, Е.Б.Лупарев, Ю.Н.Старилов, А.Б.Зеленцов, В.В.Скитович, Н.Г.Кипер, А.С.Федина, А.Н.Артамонов, Н.В.Сухарева, О.В.Чумакова, И.М.Дивин, С.Каримов, А.Б.Габбасов, С.И.Ибрагимов, М.А.Астахова, О.А.Загвязинская, З.М.Рахматова, Л.Н.Изотова, Н.А.Чечина ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган бўлса, хорижий давлатларда Й.Пуделька, Л.Брокер, Й.Деппе, П.Квоста, К.Хинтербергер, Ф.Хуфен, К.Дрексель, М.П.Синх, Ж.-М.Понтье, Ю.Паужайте-Кулвинскене, В.Крумния, Р.Мельник ва бошқалар тадқиқот олиб борган⁵.

Бироқ, Ўзбекистонда маъмурий суд ташкил этилгандан кейинги даврдаги маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқ институтининг илмий муаммолари, қонунчилик ва судга тааллуқли низоларни такомиллаштириш, мазкур низоларни кўриб чиқиш жараёнига илғор хорижий тажрибани самарали жорий этиш нуқтаи назаридан монографик тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2023-2026 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқ институти билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш

⁴ Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Илмий изланишлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

орқали мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик тушунчаси ва уни бошқа процессуал ҳуқуқ соҳалари билан солиштирган ҳолда илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

судга тааллуқлилик турларини фуқаролик, иқтисодий процессуал ҳуқуқ соҳалари билан қиёслаган ҳолда унинг ўзига хусусиятларини таҳлил қилиш;

судга тааллуқлилик институтининг тамойилларини маъмурий суд иш юритувининг ўзига хос жиҳатлари сифатида миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида ўрганиш;

судга тааллуқлиликнинг маъмурий судлар фаолиятида умумий институт сифатида миллий қонунчиликдаги тутган ўрнини таҳлил этиш;

маъмурий суд тизимида тааллуқлилик институтини илмий-назарий, қонунчилик таҳлили асосида унинг ҳуқуқий чегарасини белгилаш мезонларини ишлаб чиқиш;

маъмурий судга тааллуқли ишларни ҳал этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил этиш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлиликка оид қонунчилик ва суд амалиётини таҳлил этиш орқали қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик институтини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий билишнинг тарихий, мантиқий (анализ, синтез), формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, шунингдек, ижтимоий сўровлар, маъмурий иш материаллари ва суд амалиётини таҳлилий ўрганиш ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол иштироки асосида амалга оширилиши, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, суд тақдим этилган далиллар ва ишнинг бошқа материаллари билан чекланмасдан барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириши, ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича қўшимча далиллар тўплаши, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш ва далилларни тўплашда судга қўмаклашиш шартлиги асослантирилган;

аризачи маъмурий судга тааллуқли ишларини юритишда ариза ёки шикоят талабларига сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш

тўғрисидаги талабни ҳам судга тақдим этишга ҳақли эканлиги асослаб берилган;

маъмурий судга тааллуқли ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқилишида прокурор иштироки шартлиги асослаб берилган;

маъмурий судга тааллуқли талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик ёки иқтисодий судда кўрилиши лозимлиги асослантирилган;

маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида вужудга келган зарарлар сабабий боғланишдаги зарарлар ҳисобланиши асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маъмурий суд ишларини юритишда «тааллуқлилиқ» тушунчаси умумий ва махсус (тор) маъноларга эга эканлиги ҳақида муаллифлик тушунчалари ишлаб чиқилган;

«маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилиқ» тушунчасига муаллифлик таърифи берилиб, императив ва аралаш турларга ажратилган;

«маъмурий суд ишларини юритиш принциплари» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда умумий ва махсус гуруҳларга ажратилган;

маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқнинг ҳуқуқий чегарасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

оммавий ҳуқуқий характерга эга бўлган айрим турдаги низоларни маъмурий судга тааллуқлилиги бўйича таклифлар асослантирилган;

маъмурий судга тааллуқли ишларни судда кўриб чиқиш ва судда прокурор иштирокида йўл қўйилаётган ҳамда ягона суд амалиётига таъсир этувчи тизимли хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган 2 та йўналтирувчи хат, 3 та танбеҳ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратураларга ҳамда 4 та ахборот хати Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган;

маъмурий ишни сифатли ва адолатли кўриб чиқилишини таъминлашда дастлабки эшитув институтининг процессуал жиҳатларини янада такомиллаштириш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг «Давлат органлари ва инвесторлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар бажарилиши билан боғлиқ низоларни маъмурий судда кўриб чиқишнинг айрим масалалари» номли қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

маъмурий судга тааллуқли низоларни судда кўриб чиқишда ягона суд амалиётига эриши учун «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш ва судга тааллуқли ишларни судда кўриб чиқишда

ўрганилиши лозим бўлган ҳолатлар соҳага оид Бош прокурор буйруғида акс эттирилган;

ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш билан боғлиқ низолар бўйича компенсация ундириш билан боғлиқ низолар фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақидаги таклифлари Олий суднинг Пленумининг 20.11.2023 йилдаги 28-сонли «Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида акс эттирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган метод, илмий-назарий ёндашув, статистика ва суд амалиётидан мисоллар расмий манбалардан олингани, белгиланган талабларга кўра ҳавола қилингани, 2200 дан ортиқ ўрганилган маъмурий ишлар, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба қиёсий ўрганилгани, амалиёт таҳлили, социологик сўров (4516 нафар прокурор ходимлари, 227 нафар судьялар, 21 нафар адвокатлар) асосида назарий хулоса ва таклифлар тайёрлангани, диссертация дастлабки натижалари амалиётга жорий қилингани ва ваколатли давлат идоралари томонидан тасдиқлангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий, чет эл нашрларида эълон қилингани тадқиқот хулосаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқ институтини такомиллаштириш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан соҳага оид назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, «Маъмурий ҳуқуқ», «Маъмурий суд иш юритуви», «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи», «Иқтисодий процессуал ҳуқуқи» каби фанларни ўқитиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлаш учун фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, «Судлар тўғрисида» қабул қилинган қонунларни, Олий суд Пленумининг қарорларини, Бош прокурорнинг соҳавий буйруғини ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқ институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили бўйича тадқиқотдан олинган илмий натижалар асосида:

маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол иштироки, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, суд тақдим этилган далиллар ва ишнинг бошқа материаллари билан чекланмасдан барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши, ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича қўшимча далиллар тўплаши, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текшириш ва далилларни тўплашда судга кўмаклашиш шартлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 11-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 04 сентябрдаги 31/4-9/24-150-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши одил судловни фаолияти самарадорлигини янада оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек судларда ишларни муҳокама қилишда қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилган.

аризачи маъмурий судларга тааллуқли низолар билан сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам судга тақдим этишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 31/9/25-192-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши самарали суд ҳимоясини таъминлашга, далилларни тўлиқ текшириш орқали, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берган;

маъмурий судга тааллуқли ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишида прокурор иштироки шартлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 46-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Парламент тадқиқотлар институтининг 2025 йил 19 сентябрдаги 9/dn-186-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокурорларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини такомиллаштиришга ва маъмурий судда ишларнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилишга ва ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилган;

маъмурий судга тааллуқли талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низо тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича ёки иқтисодий судда кўрилиши лозимлиги ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2025 йил 15 сентябрдаги 31/9/25-192-далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши судлар ўртасидаги юрисдикция масаласидаги тушунмовчиликларни бартараф этиб, низоларни адолатли ва қонуний кўриб чиқишга, суд амалиётини бир хиллаштиришга хизмат қилган.

маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида вужудга келган зарарлар сабабий боғланишдаги зарарлар ҳисобланиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарори 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг

2025 йил 04 ноябрдаги 01-29/25-43931-далолатномаси). Бу таклифнинг қабул қилиниши маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ерга оид ҳуқуқларини бузувчи маъмурий ҳужжатлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган ариза (шикоят)лар, шунингдек, ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқирилишига имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (3 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 9 та илмий мақола, шундан 8 та миллий ва 1 та хорижий журналларда, конференцияларда 5 та, шундан 3 та халқаро, 2 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 7 та параграфдан иборат учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг **«Маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилик тушунчаси, тамойиллари, турлари ва хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида тааллуқлиликнинг бошқа турдош тоифалар билан ўзаро муносабати, маъмурий судга тааллуқлилик турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, судга тааллуқлилик институти принципларининг умумий қоидалари таҳлили ўрин олган.

Диссертациянинг биринчи боби доирасида диссертант «тааллуқлилик», «компетенция», «тегишлилик» тушунчалари ҳақидаги илмий қарашларни таҳлил қилишда улар кўплаб ҳуқуқшунос олимлар асарларида ўрганилганлигини қайд этади (Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов, Ш.И.Шайзаков,

Х.Б.Абдурахмонова, И.М.Салимова, С.В.Потапенко, А.В.Лошкарев, Никонова Ю.А., Ю.К.Осипов, И.В.Панова, Зеленцов А.Б. ва бошқалар).

Тадқиқотчи маъмурий суд ишларини юритишда «тааллуқлилик» тушунчасига умумий ва махсус ёндашувлар мавжудлигини кўрсатиб, диссертант ушбу тушунчага умумий маънода – давлат ўзининг ваколатли маъмурий органлари орқали қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ишларнинг хусусияти, тури ва бошқа алоҳида белгиларига қараб давлат ва ижро этувчи ҳокимият вакиллик органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ваколатли органлари орқали маъмурий ҳуқуқий муносабатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш функциялари берилган институт сифатида муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Диссертант кўплаб процессуалист олимларнинг фикрларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда «тааллуқлилик» тушунчасига махсус маънода турли хил мунозарали фикрлар илгари сурилганлигини таҳлил қилиб, унинг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатади. Бирок, маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқи мустақил фан тармоғи сифатида 2018 йилда шаклланганлигини кўрсатиб, Ўзбекистонда бу соҳада процессуалист олимлар томонидан деярли «тааллуқлилик» институти илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилмаганлигини билдириб, маъмурий суд ишларини юритиш ҳуқуқи фанида «тааллуқлилик» тушунчасини махсус (тор) маънода, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни қонун йўли билан кўриб чиқиш ва ҳал этиш ваколати берилган суд ҳокимияти, давлат органлари ёки бошқа ваколатли органларнинг фаолият механизми эканлигини кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотчи юридик фанда умумий «тааллуқлилик» тушунчаси билан ёнма-ён «судга тааллуқлилик», «судловга тегишлилик» ва «судловлилик» тушунчалари мавжудлигини кўрсатиб, ушбу тушунчаларни фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи билан қиёсий таҳлил этади. Мазкур соҳада тадқиқотлар ўтказган олимларнинг (М.М.Мамасиддиқов, Ғ.Т.Ҳакимов, Х.Б.Абдурахмонова, В.А.Колотов, Т.И.Отческая ва бошқалар) илмий ишларида илгари сурилган қарашларни ўзаро солиштириб, «судга тааллуқлилик» тушунчаси суд ҳокимияти ўртасида масалан, конституциявий суд, фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судлар ўртасида ишларнинг ўзаро тааллуқлигига ишора қилиб, «судга тааллуқлилик – низонинг ҳуқуқий табиати юзасидан қонун билан судлар ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши» ҳақида муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Муаллиф «судловга тегишлилик» ва «судловлилик» тушунчалар судловга тегишлиликнинг умумий маъносини тўғри тушунтиради, бироқ аниқ ва яқдил таъриф эмас, чунки мураккаб институтга қисқа ва аниқ тушунтириш бериш қийин жараён эканлиги ҳақида мулоҳазаларни билдириб, ушбу тушунчалар бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи, лекин моҳиятан ва функциясига кўра фарқли ҳуқуқий категориялар эканлигини кўрсатиб, «судга тааллуқлилик» суд тизимига кирувчи турли судлар ўртасида ишларнинг тақсимланишини кўрсатса (масалан, фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий), «судга тегишлилик» айнан бир суд тизими ўртасида ишларнинг

ажратилишини кўрсатади (масалан, маъмурий судлар бўйича биринчи инстанция судлари, апелляция, кассация ва тафтиш судлари).

Шунингдек, маъмурий судга тааллуқлилиқ турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, ушбу соҳани миллий ва хорижий давлатларнинг процессуал илмий асарларида келтирилган олимларнинг (Э.Эгамбердиев, Д.Н.Бахрах, Е.С.Докучева, В.В.Ярков ва бошқалар) қарашларини илмий назарий жиҳатдан таҳлил этиб, маъмурий судга тааллуқлилиқнинг хусусиятлари, оммавий ҳуқуқий муносабатлар ва шу тоифадаги қонунларга таяниб, уларни икки турга яъни, императив ва аралаш турларга ажратади. Императив тааллуқлилиқнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатади: оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар икки ёки ундан ортиқ юрисдикция органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда кетма-кет ҳал қилиниши; маъмурий судлар томонидан низо кўриб чиқилишидан олдин ваколатли маъмурий орган томонидан низо кўриб чиқилиши қонун билан мажбурий этиб белгиланишидир. Аралаш тааллуқлилиқ, тааллуқлилиқнинг бошқа турларига хос бўлган бир нечта хусусиятларини бирлаштирган, қўпинча бу ҳолат императив ва альтернатив шаклларини ўзида мужассам этишида намоён бўлиши ҳақида фикрларни келтиради. Аралаш тааллуқлилиқ ўзига хос белгилари сифатида альтернатив тааллуқлилиқ хусусиятларини қамраб олади ҳамда қўп тааллуқлилиқнинг бошқа турларига хос бўлган маъмурий органни танлаш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади. Альтернатив тааллуқлилиқнинг характерли жиҳати, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо бўйича манфаатдор шахсда суд ёки маъмурий юрисдикциявий орган ўртасида танловга эга бўлади ёхуд юқори турувчи маъмурий органга ҳам мурожаат этиши мумкинлиги қайд этилади. Бу эса айтилиши билан бир низо бўйича турли қарорлар қабул қилинишига шароит яратади.

Диссертант процессуал ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиб, тааллуқлилиқ институтининг принципларига алоҳида эътибор қаратади. Процессуал принциплар ҳақидаги ёндашувлар уч гуруҳга ажратилганлигини таҳлил қилиб, биринчи ёндашув ҳуқуқ тамойиллари процессуал ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган бўлсада, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий фанлар соҳасида шаклланади ва ривожланиши ҳақида, иккинчи ёндашув ҳуқуқ принциплари норматив ҳуқуқий характерга эга эканлигини, умумий характердаги процессуал ҳуқуқ нормалари билан аниқланишини, учинчи ёндашув эса, процессуал ҳуқуқ принципларининг объектив тўлиқ кўриниши фақат унинг барча муҳим кўринишларини, хусусан: ҳуқуқий онг соҳаси ёки асосий ҳуқуқий қарашлар, қонуннинг асосий қоидалари ва ушбу қоидалар амалга ошириладиган реал ижтимоий муносабатларни бир вақтнинг ўзида кўриб чиқиш билан шаклланишини методолик жиҳатдан тўғри тақсимланганлигини қиёсий таҳлил этади.

Муаллиф процессуал ҳуқуқ принциплари ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг (М.Мамасиддиқов, З.Эсонова, Э.Хожиев, М.Кауфман, Н.Ю.Хаманева, R.Mandel) фикрлари билан илмий мунозарага киришиб, маъмурий суд ишларини юритиш принциплари – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва бошқа

норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган, оммавий низоларни маъмурий судлар томонидан тўғри, ўз вақтида, қонуний ва асосли кўриб чиқишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, одил судловни таъминлайдиган асосий раҳбарий қоидалар жамланмаси эканлиги ҳақида муаллифлик тушунчасини илгари суради.

Қиёсий таҳлиллар натижасида маъмурий суд ишларини юритиш принципларини икки гуруҳга ажратади, яъни умумий суд ишларини юритиш принциплари ва махсус суд ишларини юритиш принципларига ажратади. Биринчи гуруҳ умумий суд ишларини юритиш принциплари сифатида: - одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши; - қонун ва суд олдида тенглик; - судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi; - маъмурий суд ишларида юритиладиган тил; - суд муҳокамасининг ошкоралиги.

Иккинчи гуруҳ принциплари қаторига: - суднинг фаол иштироки; - суд муҳокамасининг бевоситалиги; - маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш; - суд ҳужжатларининг мажбурийлиги.

Миллий ва хорижий давлатларнинг маъмурий суд ишларини юритиш қонунчилигини таҳлил этиб, МСИЮтКни такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари суради.

Диссертациянинг **«Маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқнинг ҳуқуқий чегараси»** деб номланган иккинчи бобида тааллуқлилиқ маъмурий судлар фаолиятида умумий институт сифатида тутган ўрни, маъмурий суд тизимида тааллуқлилиқнинг ҳуқуқий чегарасини белгилаш мезонлари таҳлил этилган.

Жумладан, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси суд тизими ўртасида судларга тааллуқли ишларни қиёсий таҳлил этиш орқали тааллуқлилиқ бўйича умумий қоидаларни умумлаштиради. Маъмурий судга тааллуқли ишларни суд амалиётидаги муаммолар орқали таҳлил этиб, қарор қабул қилган маъмурий органнинг ҳужжати ёки унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) орқали ҳуқуқий оқибат келиб чиқиши ва бунинг натижасида манфаатдор шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахл қилиши маъмурий судга тааллуқли ишларнинг дастлабки белгилари сифатида баҳоланишини кўрсатади.

Диссертант шикоят билан сабабий боғланишдаги зарарга оид талаблар маъмурий судга тааллуқли эканлигини кўрсатиб, алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик судида ёки иқтисодий судда кўриб чиқилиши ҳақидаги муқаддам билдирилган фикрларини қувватлайди ва буни Озарбайжон Республикаси Маъмурий-процессуал кодекси 34-моддаси, Литва давлатининг Маъмурий иш юритув тўғрисидаги Қонуни 15-моддаси ва Грузия давлатининг Маъмурий-процессуал кодекси 2-моддасида белгиланган зарар билан боғлиқ мажбуриятлар маъмурий низо предмети эканлигини таъкидлайди.

Тадқиқот ишида оммавий ҳуқуқий муносабатларга оид айрим низоларни фуқаролик судлари ва маъмурий судлар ўртасида тақсимлашда аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги суд амалиётида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги ҳақидаги олимларнинг (М.У.Эшимбетов, Ж.Неъматов) фикрини

қувватлаб, ер ажратиш ёки ерни захирага олиш тўғрисидаги ҳокимнинг тегишли қарори юзасидан низолар маъмурий судларга тааллуқли бўлганлиги учун ФПКнинг 26-моддасидаги ер тўғрисидаги юзага келадиган низоларнинг ҳуқуқий табиати ноаниқлигича қолаётганлигини кўрсатиб, фуқаролик ва маъмурий процессуал қонунчиликда бунинг аниқ ечимлари кўрсатилиши лозимлигини илгари суради.

Диссертант илмий ишида маъмурий орган қарори ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, суд тегишли орган зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали қонун бузилишни бартараф этиш мажбуриятини юклашга ҳақли (МСИЮТКнинг 189-моддаси) эканлиги, бироқ, суд амалиётида айрим ишлар бўйича судлар томонидан ҳоким қарорлари ҳақиқий эмас топилиб, ҳокимлик зиммасига қонунга мувофиқ бўлмаган ёки амалда ижро этиб бўлмайдиган мажбуриятлар юклатилганлигини таҳлил қилиб, амалдаги МСИЮТКнинг 189-моддаси 7-бандига «Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахслари зиммасига қонунга зид бўлмаган қарорлар қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш имконини берадиган мажбуриятлар юклатилиши лозим» мазмунида қўшимча киритишни таклиф қилган. Суд амалиётидаги муаммони бартараф этиш юзасидан сўровномада иштирок этган прокуратура ходимларининг 80,8 %и (3639 нафар), судьяларнинг 90,3 %и (205 нафар) ишлаб чиқилган таклифни қувватлаб, маъмурий процессуал қонунчиликда акс эттирилишини ижобий баҳолаган.

Шунингдек, тадқиқотчи маъмурий судга тааллуқли низоларни ҳал этишда ягона суд амалиётига эришиш мақсадида маъмурий судьяларнинг ва соҳага оид прокурорларнинг малакасини Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида идоралараро малака ошириш курсларини ташкил этиш ва уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш лозимлиги ҳақида хулосага келади.

Тадқиқотчи маъмурий суд тизимида тааллуқлилиқнинг ҳуқуқий чегарасининг аниқ мезонлари бўлиши ҳақида олимларнинг (Е.Б.Лупарев, Е.О.Легеза, М.У.Эшимбетов, Х.Мадримов) илмий ишлари таҳлил қилиш орқали маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилиқнинг асосий мезонлари сифатида қуйидаги мезонларни ажратиб кўрсатади: - низодаги ҳуқуқий муносабатларнинг табиатига кўра; - субъект таркибига кўра (низода қатнашувчи шахслар); - ҳуқуқда низонинг мавжудлигига кўра; - томонлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига кўра; - ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик табиати кўра (норматив ёки норматив эмаслиги); - норматив ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга кўра; - императив хусусияти кўра; - ҳуқуқ ёки мажбуриятни юзага келишига кўра.

Диссертация иши доирасида маъмурий иш юритишнинг субъектлари таркиби таҳлил қилиниб, бевосита прокурорнинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорларига ҳуқуқий баҳо бериб, ўз фикри билан қонуний ва асосли қарор қабул қилишда судга кўмаклашувчи шахс сифатида иштирок этиши лозим бўлган маъмурий ишлар тоифасини такомиллаштириш юзасидан таклифларни илгари сурган. Бевосита тадқиқотчининг МСИЮТКнинг

46-моддасида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишларда прокурор иштироки зарурлиги ҳақидаги таклифи миллий қонунчиликда акс этган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки самарадорлигини ошириш тўғрисида» 28.02.2022 йилдаги 260-сонли буйруғида ишда иштирок этувчи прокурор суд жараёнида далилларни текшириши ва баҳо беришда фаол қатнашиши, ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги ва ишнинг мазмуни бўйича асосли фикр билдириши, ваколат доирасида ишни ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона кўрилиши, қонуний ва асосли қарор қабул қилишда судга кўмаклашиш билан бир қаторда маъмурий судга тааллуқли ишлар тоифасида прокурор иштирокига оид қоидаларни мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлайди.

Диссертацияда никоҳни бекор қилишга оид оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда низонинг мавжудлиги маъмурий судлар ва ФХДЁ органлари ўртасида тақсимланишига асос бўлишини кўрсатиб, бу тоифадаги низолар йилдан йилга ортиб бораётганлигини статистик таҳлиллар билан исботлаб (2022 йилда 387 та, 2023 йилда 394 та, 2024 йилда 428 та, 2025 йил 6 ойида 169 та), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар томонидан қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» номли янги таҳрирдаги қарор лойиҳасини қабул қилиш ҳақида таклифни илгари сурган. ФХДЁ органларининг далолатнома ёзувларига ўзгартириш ёки тузатиш киритиш билан боғлиқ суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан илгари сурилган таклифни сўровномада иштирок этган прокуратура ходимларининг 3311 нафари (73,5 %), судьяларнинг 166 нафари (73,1 %) қувватлаб овоз беришган.

Диссертант маъмурий суд тизимида тааллуқлилиكنинг ҳуқуқий чегарасининг мезони сифатида томонлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида процессуал ҳуқуқ соҳалари билан қиёсий таҳлил ўтказиб, МСИЮтКнинг 27-моддасига «аризачи ушбу моддада кўрсатилган ариза (шикоят) билан бир қаторда ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам тақдим этишга ҳақли» эканлиги ҳамда «кўрсатилган талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судда ёки иқтисодий судда кўриб чиқилиши» ҳақидаги нормаларни киритиш ҳақидаги таклифлари қонунчиликда акс эттирилгани тарафларнинг манфаатига хизмат қилаётганлиги ҳақида ҳулосани тақдим этади.

Маъмурий суд ишларини юритишда судга тааллуқлилиكنинг ҳуқуқий мезони сифатида ҳуқуқий ҳужжатнинг табиати, яъни унинг норматив ёки норматив эмаслигига оид масалаларни таҳлил қилиб, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ суд амалиётидаги муаммоли вазиятлар, хорижий давлатлар маъмурий процессуал қонунчилиги ўрганилиб, МСИЮтКнинг 27-моддасига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг индивидуал характерга эга бўлган ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига тааллуқли ишлар мустасно» банд

билан тўлдириш ҳақида таклифни илгари суради. Ўтказилган сўровнома натижалари бўйича бу борадаги таклифларни 3097 нафар (68,8 %) прокуратура ходимлари, 191 нафар (84,1%) судьялар қувватлаган.

Иш доирасида маъмурий суд ва Конституциявий суд ўртасидаги судга тааллуқлилик мезони ажратиш учун МСИЮТКнинг 179-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида таклиф берилган.

Шунингдек, тадқиқотчи фикрича, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш хусусиятларини инобатга олиб, бу тоифадаги ишларда прокурор иштирокини тўлиқ таъминланиши зарур. Шу сабабли ҳам МСИЮТКнинг 181-моддасининг 2-қисмида прокурорнинг мажбурий иштирокида кўриб чиқилиши ҳақида қоида билан мустаҳкамланиши лозимлигини асослайди. Бу таклифни сўровномада иштирок этган респондентларнинг яъни, прокуратура ходимларининг 2759 нафари (61,3 %), судьяларнинг 170 нафари (74,9 %) ижобий баҳолашган.

Диссертациянинг **«Маъмурий судлар фаолиятида тааллуқлилик институти бўйича хорижий амалиёт ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари»** деб номланган учинчи бобида маъмурий судга тааллуқли ишларни ҳал этиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлиликка оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган.

Тадқиқотчи Россия, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Франция, Германия, Япония сингари давлатларнинг маъмурий суд ишларига тааллуқли низоларни ҳал этиш билан боғлиқ тажрибаларини таҳлил қилган ва илғор тажрибалардан Ўзбекистонда маъмурий судга тааллуқлилик институтини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда фойдаланган.

ИПКнинг 25-моддаси ҳамда МСИЮТКнинг 27²-моддасида рақобат тўғрисидаги ишлар билан боғлиқ нормалар солиштирилган ҳолда ўрганилиб, хорижий тажриба асосида маъмурий ва иқтисодий судлар ўртасида рақобат тўғрисидаги ишларнинг аниқ чегараси белгиланиши юзасидан МСИЮТКнинг 27²-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Сўровномада иштирок этган прокуратура ходимларининг 2646 нафари (58,8 %), судьяларнинг 201 нафари (88,5 %) билдирилган таклифни ижобий баҳолаб, бу таклифнинг маъмурий процессуал қонунчиликда акс эттирилиши суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилишини кўрсатиб ўтган.

Диссертант референдум ўтказувчи комиссияларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни маъмурий судларга тааллуқли эканлиги ҳақида аниқ нормани миллий қонунчиликда акс эттириш лозимлигини илгари суради.

Маъмурий судларга тааллуқли ишларни ҳал этиш механизмларини соддалаштириш юзасидан ҳудудлараро тафтиш институтини ташкил этиш ҳақида ҳулосага келади.

Диссертацияда хорижий давлатларнинг маъмурий процессуал қонунчилиги таҳлили асосида маъмурий судларда дастлабки эшитув институти механизмларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Талабгор маъмурий судлар томонидан кадастр идораларининг мансабдор шахсларининг қарорлари, уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ ишларни кўрилишида суд амалиётидаги муаммоларни норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилар экан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида хулосага келади.

Шунингдек, маъмурий судга тааллуқли нотариал ҳаракатни амалга ошириш, нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги маъмурий низоларни ҳал этишда ягона суд амалиётига эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тегишли қўшимчалар киритиш ҳақидаги хулосаларини асослантиради.

Тадқиқотчи, давлат органлари билан инвесторлар ўртасида тузилган инвестиция шартномаларига доир баҳсларда ҳам судга тааллуқлилик масаласида ноаниқликлар мавжудлигини хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилиб, инвестициявий низоларни маъмурий судларда кўриб чиқишда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Давлат органлари ва инвесторлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар бажарилиши билан боғлиқ низоларни маъмурий судда кўриб чиқишнинг айрим масалалари» номли қарорини қабул қилиш лозимлиги ҳақида хулосага келади.

